


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 11 май, № 92 (5259) Чоршанба


# ЮКСАК САЛОҲИЯТ, ЮҚОРИ СИФАТ

**Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда.**

***Республикамизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодий тараққиётга эришишда муҳим омил бўлмоқда. Кейинги йилларда юртимизда барча соҳаларда ўсиш суръатлари барқарор сақланиб келаётгани, қатор тармоқларда юқори натижалар қўлга киритилаётгани бунинг амалий тасдиғидир. Табиийки, ана шу муваффақиятларда ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳам улуши салмоқли.***



**СУРАТДА:** пиликлаш цехи оператори Лутфия Султонова.

**Интилиш**

Навоий шаҳрида фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Baht textile” қўшма корхонаси нафақат ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, балки мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Пахта толасидан калава ип тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур корхонада ўтган йили 17 миллиард 217 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини 6300 минг АҚШ долларига етказиш режалаштирилган эди. Амалда эса бу режа 180 фоизга бажарилди.

Табиийки, бунда корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, янги технологияларни жорий этиш, инвестицияларни жалб қилиш орқали импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этаётир. Масалан, ўтган йили жамиятга қарийб 667 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилиши билан корхона фаолияти янада кенгайиб, қўшимча 35 та иш ўрни вужудга келди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Компьютер дастурчилари форуми

«Best Soft — 2011»

***ТОШКЕНТда компьютер дастурчиларининг “Best Soft Uzbekistan — 2011” йиллик Миллий форуми бўлиб ўтди.***

Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги стратегик устуворликларни амалга ошириш, жумладан, маҳаллий дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантириш борасида амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ва жамият қурилиши тизимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш зарурлиги таъкидланган.

Бунда давлат тузилмаларининг мамлакатимиз дастурий таъминот соҳаси мутахассислари билан ўзаро ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади. Бу борада Тошкентда ҳар йили ўтказилаётган дастурчиларнинг Миллий форуми катта аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

### Ёшлар учун иш ўринлари

**ХОРАЗМ. Хива туманида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.**

Унда тумандаги 42 та корхона ва ташкилот 270 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Якунда 72 нафар кишига ишга жойлашишлари учун йўлланмалар берилди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Таъкидлаш керакки, жорий йил бошидан буён вилоятда 34 та ана шундай меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Бежирим ва арзон мебеллар

**СИРДАРЁ. Гулистон шаҳридаги “Голд стар-маркет” хусусий корхонаси жамоаси саъй-ҳаракати билан мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.**

Ушбу лойиҳани амалга оширишда тадбиркорга банкнинг 50 миллион сўмлик кредити қўл келди. Тайёрланаётган маҳсулотлар нисбатан арзонлиги ҳамда бежиримлиги боис ички бозорда тезда харидорлар эътиборига тушди.

Таъкидлаш керакки, 15 та иш ўрни яратилган корхонада ойига 100 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Франция Сенатининг “Франция — Марказий Осиё” дўстлик гуруҳи раиси Андре Дюле раҳбарлигидаги делегация 10 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.*

# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Сенатдаги учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

1992 йили ташкил этилган “Франция — Марказий Осиё” дўстлик гуруҳининг асосий мақсади минтақа мамлакатлари парламентлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашдан иборат.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодиёт, маданият, парламентаризм соҳаларидаги ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда, — деди Андре Дюле. — Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси билан атрофлича танишиб чиқдим. Ўзбекистон сўнгги йигирма йил ичида кўплаб соҳаларда улкан ютуқларга эришгани жуда қувонарлидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида “Демократик жамиятда конституциявий ҳуқуқ ва парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон ва Франция тажрибаси” мавзуидаги халқаро семинарда иштирок этдик. Мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

**(ЎзА).**

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

# КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШИНУВИ ҚОНУНЧИЛИГИ

**иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим талабидир**

*Президентимиз Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида “Ислоҳотларимизнинг кейинги босқичида... иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда”, деб таъкидладилар.*

Концепцияда демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришда 10 дан зиёд янги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, амалдаги бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш вазифалари белгиланган. Бунинг замирида Президентимизнинг 2011 йил 14 январда “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши қабул қилиниб, унда ушбу вазифаларнинг ижро муддатлари ва уларнинг мазмун-моҳияти янада аниқлаштирилиб берилди.

Фармойишга кўра, тайёрланаётган “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам шулар жумласидан бўлиб, банк-молия тизимидаги иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллигини, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини мунтасил ошириб боришни таъминлашни кафолатловчи ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, кредит ташкилотлари томонидан кичик бизнесга, фермерларга ва аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган микрокредит хизматлари кичик бизнес субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўсиши,

(Давоми 2-бетда).

*Мамлакатимизда, мана, ўн икки йилдирки, муҳтарам Юртбошимиз ташаббусига кўра, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланмоқда. Бу билан биз — ёши улуғлар эъзозланиб, қадру эътибор топаётган бўлсак, навқирон авлод қалбида инсоний фазилатлар куртакламоқда. Очиғи, бугунги ёшларга қараб, кечаги кунларимиз ёдга тушади ва беихтиёр мустақил юртимизнинг бахт-иқболи кулган йигит-қизларига саодат тилаб, қўлинг дуога очилади.*

# МЕҲР-ОҚИБАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК

**халқимизга хос қадриятлардир**

**Дил сўзи**

Мен бу гапларни бежиз айтаётганим йўқ. Кеча телевидение орқали Президентимизнинг сўзларини эшитиб, кўзларимга ёш келди. Негаки, у киши фахрийларни улуғлаш, қадрлаш билан бир қаторда, умрнинг ғаниматлигини алоҳида таъкидладилар. Ёшим тўқсонга яқинлашди. Ҳаётда кўп нарса кўрдим, ҳар хил одамларга дуч келдим, турли тузумлар ичида яшадим. Аммо ҳеч қачон бугунгидек дориламон замонни, давлатимиз раҳбаридек меҳрибон, ғамхўр ва зукко инсонни кўрмаганман. Шунинг учун ҳам биз ҳамиша бу осойишта кунларимизнинг бардавом бўлишини, халқимизнинг қадрини сарбаланд тутаётган Юртбошимизнинг умрлари узоқ бўлишини Яратгандан сўраймиз.

Байрам арафасида уйимиздан меҳмон аримади. Ҳали маҳалла-кўй, ҳали қўни-қўшни, қариндош-уруғ, мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари... Бир инсонни қадрлаш бўлса, шунчалик бўлади! Ҳолбуки, менга ўхшаганлар юртимизда кўплигини инобатга олсак, қанчадан-қанча хонадонларга нур кирди, меҳр улашилди. Ота-боболаримиз шундай деган: “Оқибатли элдан файз-барака аримайди!” Ана шундай меҳр-оқибат улашаётган халқимизга минг раҳмат, Юртбошимизга қуллуқ. Бу меҳрни ҳис этганда, қирғинбарот жангу жадаллар, очарчилик каби кулфатларни бошидан кечирган, фронт орқасида меҳнат қилиб минг бир уқубат тортган қисматдошларимнинг ҳам кўнгли осмон қадар кўтарилиши аниқ.

Айтаверсам, гапим кўп. Лекин бир нарсани таъкидламоқчиман. Урушга кетганимизда айни навқирон ёшда эдим. Урушнинг даҳшатли онлари ҳали-ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Жангларда қурбон бўлган минглаб юртдошларимиз, Ватан тупроғини орзулаб яшаган азаматлар... Афсуски, уларнинг кўпчилигига юрт тупроғи насиб этмади. Урушнинг оқибати ўлим ва вайронагарчиликдан бошқа нарса эмас экан.

Бугун ҳам дунёнинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида нотинчликлар бўлиб турибди. Шуларни кўриб, юртимиздаги тинчлик-осойишталикдан кўнглинг таскин топади. Юртдаги ободончилигу бунёдкорликни кўриб шукроналар айтасан, киши. Бироқ бу кунларга ўз-ўзидан эришилган эмас. Юрт озодлиги, халқ фаровонлиги йўлида неча-неча авлод умри ситам ва азоб-уқубатда ўтганлигига тарих гувоҳ. Шунинг учун ҳам тадбирларда қатнашиб, ёшларга озодликнинг қадри, юртимиздаги ҳозирги тинч-тотувликнинг баҳоси қанчалик юксак эканлиги ҳақида сўзлаб бериш биз фахрийларнинг вазифамиздир.

**Аҳмад ЖАЛИЛОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**
Қашқадарё вилояти

# ЭРКИН ФАОЛИЯТ УЧУН МАЙДОН

***Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Буни тасаввур қилиш учун сўнгги йилларда биргина солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тартибларини соддалаштириш борасида тизимли равишда амалга оширилаётган ишларни айтиш кифоя. Зеро, бу енгиллик эвазига ҳар йили тадбиркорлик субъектлари ҳисобида миллионлаб сўмлик маблағ тежаб қолиняпти.***

**Тадбиркорлик**

*Президентимизнинг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Негаки, унда соҳани бундан-да ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгиланганки, буларнинг бари тадбиркорларимизнинг эркин ва самарали фаолият юритишлари учун қулай муҳит яратади.*

*Мазкур Фармон тадбиркорларимиз фаолиятида қандай аҳамият касб этади? Умуман, юртимизда яратилаётган шарт-шароитлардан улар қай даражада фойдаланишмоқда?*

**Йўлдош ЭРНАЗАРОВ, Янгибозор туманидаги “Элинза” ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари:**

— Президентимиз Фармони фаолиятимизда бутунлай янги саҳифа очди. Унга кўра, эндиликда тадбиркорлар фаолиятига ҳуда-беҳуда аралашиш ҳоллари барҳам топади.

Ўзимдан қиёс. Бундан ўн уч йил аввал тадбиркорлик ҳаракатини бошлаган пайтимда кичик корхонани рўйхатдан ўтказиш учун идорама-идора юриб чарчаганман. Банкда ҳисоб рақами очиш, муҳр тайёрлаш, кредит олиш, ҳужжатлар йиғиш, ойлаб ўтказиладиган текширишлар, хуллас, шу каби жараёнлар ишимизни орқага сурарди.

Энди эса Юртбошимизнинг бизга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрликлари туфайли вазият тамомила ўзгача тус олди. Биров текшираман, деб безовта қилмайди. Қаранг, мана, тўрт йилдирки, корхонамизга текширувчи келмабди, аксинча, биргина ўтган

(Давоми 2-бетда).

# ТАБИИЙ ОФАТНИНГ НОТАБИИЙ ЎЧОҒИ

**ёхуд Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида юзага келаётган хавф-хатарлар**

***Тарихдан маълумки, зилзила иккиламчи ҳодисалар келтириб чиқариши билан табиий офатлар ичида энг хавфлиси ҳисобланади. Чунки ер силкинганда нафақат бино ва иншоотлар бузилади, балки у ёнғин, тошқин, кўчки каби ҳодисаларга сабаб бўлиб, талафотлар кўламини янада оширади. Шу йил 11 мартда Японияда содир бўлган зилзила оқибатлари буни бутун инсониятга яна бир бор эслатиб қўйди.***

Марказий Осиё минтақаси аҳолиси тарихий манбаларни ўрганиб, азалдан бино ва иншоотларни зилзилабардош қилиб барпо этиш пайидан бўлиб келган. Бу жараёнда, энг аввало, қурилиш учун қулай ер танланиб, пойдеворлари бир хил чуқурликда мустаҳкам қилиб қўйилган. Деворлар сифатли қоришмалардан қалин ҳолда, синч усулида, баланд бинолар эса қобиқсимон, кесик конус ёки сфера кўринишида қурилиши иморатларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлашда яхши натижалар беради. Бундай меъморий ечимлар зилзилабардошлик фанида илмий асосланган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида иншоотлар, айниқса, гидротехник иншоотлар қурилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. 1999 йилдан бошлаб “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳаётга татбиқ этилгани бунинг ёрқин далилидир. Унинг изчил ижроси бошқа табиий офатлар қатори зилзиланинг оқибатларини камайтириш борасида зарур чоралар кўриш имконини бераётир.

**Акс садо**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида ҳам гидротехник иншоотларни сейсмик кучлар таъсирига динамик ҳисоб-китоб қилиш усулларини, техникавий лойиҳалаш асосларини яратиш, сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилган. Зилзилабардошлик талабларига кўра, халқ хўжалигининг қайси соҳасида бўлишидан қатъи назар, бино ва иншоотлар қурилиши режалаштирилган ҳудуд ҳар томонлама тўла-тўкис ўрганиб чиқилиши шарт. Гап махсус иншоотлар, хусусан, тўғонлар ҳақида кетганда, янада катта масъулият талаб этилади. Сабаби, бундай иншоотлар бузилиши кўп йиллар давомида қайта тиклаб бўлмайдиган иқтисодий ва экологик таназзулга олиб келиши муқаррардир. Шу маънода, Тожикистон Республикасида қурилаётган Роғун ГЭСи бутун минтақа келажагига катта хавф солмоқда. Бундай дейишимизга асослар етарли, албатта.

Тожикистон географик жиҳатдан юқори сейсмик ҳудудда жойлашган бўлиб, умумий майдонининг 97 фоизидан кўпроқ қисмини тоғ ва тоғ тизмалари ташкил қилади. Шунинг учун соҳа мутахассислари бу ҳудудга кучли зилзилалар, селлар, тошқинлар ва кўчкилар юрти, дея таъриф беришади. 1911 йил 11 февралдаги 10-11 балли ер қимирлаши натижасида ҳосил бўлган Сарикўл, 1980, 1992, 1993, 1998, 2001 ва 2002 йилларда кучли сел таъсирида бир қатор иншоотлар, хусусан, сув омборлари ва каналлар бузилиши бунга мисол бўла олади. Демак, бундай воқеа-ҳодисалар қайтарилмаслиги учун тўғонлар қурилиши мўлжалланган жойларда ҳар томонлама чуқур текширув ишлари олиб борилиб, шу соҳада тўпланган кўп йиллик халқаро тажрибалар ўрганилиши лозим. Бироқ Роғун ГЭСи қурилишида ана шу муҳим жиҳатлар эътибордан четда қолаётгани ташвишланарлидир.

(Давоми 2-бетда).

# КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШИНУВИ ҚОНУНЧИЛИГИ

## иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим талабидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

бандлик даражаси ҳамда аҳоли реал даромадлари ошишининг асосий иқтисодий омилларидан бири ҳисобланади.

Шу ўринда кредит ахборотлари билан самарали алмашинув кичик бизнесни кредитлашни кенгайтириш, банклар, микрокредит ташкилотларга кредит буюртмаларини қайта ишлаш муддатларини қисқартириш ва кредитларнинг қайтмаслик ҳолатларининг олдини олиш имкониятини беради.

Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги "Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда икки поғонали кредит ахбороти алмашинуви тизими, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Кредит ахбороти миллий институти, Ўзбекистон Банклар ассоциациясида Банклараро кредит бюроси ташкил этилган бўлиб, улар тижорат банкларининг кредиторлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш бўйича фаолият олиб бормоқда.

Кредит ахбороти алмашинуви институтлари банк-молия соҳасидаги янги тизим ҳисобланади. Кредит ахбороти алмашинуви кредит ахбороти давлат реестри ёки нодавлат кредит бюроси томонидан амалга оширилади.

Кредит бюроси — тижорат ёки нотижорат ташкилоти бўлиб, у қарз олувчи тўғрисида кенг кўламдаги ахборотни (хусусан, кредитлар бўйича тўловлар, нокредит мажбуриятлар, иш тажрибаси ва бошқалар) йиғади. Бюро ишончли манбалардан (масалан, банклардан) ахборот олиб, манфаатдор кредиторларга кредит ҳисоботларини тақдим этади.

Маълумки, тижорат банклари ва бошқа нобанк кредит ташкилотлари томонидан тақдим этилаётган кредит хизматлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Мана шу жараёнда банклар ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятида юзага келиши эҳтимоли бўлган хатарларнинг олдини олишга хизмат қилувчи ахборотлар, яъни мижоз фаолияти: унинг кредит тарихи, бошқа банклардан қарзи бор ёки йўқлиги (ёки мазкур қарзлари бўйича ўз мажбуриятларини қай тарзда бажарганлиги), учинчи шахсларнинг кафолати, корхона ва бошқарувчиларнинг малакаси, уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти тўғрисида тўлиқ ҳамда ишончли ахборотга эга бўлишдан манфаатдор. Бундай маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш учун кўп вақт сарфланади, мижоз эса қисқа муддат ичида маблағ олиши керак. Кредит ахбороти алмашиш тизими бутун дунёда мана шу зарурат туфайли юзага келди.

Ҳозир кредит ахбороти алмашинуви жараёнида барча тижорат банклари жалб қилинган бўлиб, кредит уюшмалари, ломбардлар, лизинг компаниялари ва кредит ажратиш билан шуғулланувчи барча кредит ташкилотлари унинг иштирокчилари саналади.

Кредит ахбороти алмашиш тизими жисмоний ва юридик шахсларнинг аввал олинган кредитлари ҳамда бошқа қарз мажбуриятлари бўйича кафолатларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотлардан ташкил топган кредит тарихини шакллантиради. Кредит тарихи эса, тизимни фаолиятга келтирувчи асосий манба ҳисобланади. Бу қарз олувчи мажбуриятлари ва уларни ижро этиш тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, қарз олувчига молиялаш тақдим этилиши хатарини баҳолаш учун таъсир этадиган (банкротлик, суд қарорлари, муассислар таркиби) бошқа маълумотлардир.

Кредит тарихи қарз олувчининг тўлов интизомини аниқлашга ёрдам беради, яъни қарз олувчи ўз зиммасидаги тўлов мажбуриятларини қанчалик тўлиқ, ўз вақтида ва мунтазам бажариши аниқланади. Шу тариқа, кредит тарихи қарз олувчининг ўзига хос "обрў-нуфузи"ни белгилайдиган мезон бўлиб хизмат қилади. Ижобий кредит тарихига эга қарз олувчи анча енгил шартлар асосида (қарзни таъминлашга талаблар пастлиги, маблағнинг кўп ва молиялаш муддатининг узоқ бўлиши) осонлик билан қарз олиши мумкин.

Бугунги кунда банк-молия тизими кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда янада соддалаштириш, бунда оилавий бизнесни ривожлантириш, бошланғич капитални, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитларни ажратиш механизмлари қайта кўриб чиқилиб, ҳозирги давр талабларига мослаштирилмоқда.

Тизимнинг қарз олувчи, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун самарадорлиги шундаки, бу уларнинг молиялаштирилиш имкониятини оширади, шунингдек, қўйилган шартларни ўз вақтида бажарган мижознинг кредит олиш муддатини бирмунча қисқартиради.

Бошқача айтганда, ишончли ва тезкор кредит ахбороти кредит беришда хизмат кўрсатиш сифатини ошириб, банк таваккалчиликларини камайтиради. Бу эса, банклар ва қарз олувчиларнинг молиявий-кредит интизомини янада мустаҳкамлайди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кредит ахбороти алмашинувининг ривожланган ва омилкор тизими молиявий маблағлар ажратилиши тўғрисидаги ижобий қарорлар миқдорини икки баравар ошириш ҳамда мажбуриятлар бажарилмай қолиш даражасини 40-80 фоизга пасайтириш имкониятини беради.

Шу боисдан мазкур соҳада иш олиб бораётган тизимнинг қонунчилик асосларини яратиш ва уни қабул қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланмоқда.

Айни пайтда ишлаб чиқилаётган "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг мақсади — кредит ахбороти алмашинуви тизимидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базасини яратиш, кредит ахбороти тўпланаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда битимлар тузишда барча манфаатдор томонларнинг кредит ахбороти алмашинувида иштирок этишлари учун тенг шароитлар яратишни кўзда тутади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қонуннинг қабул қилиниши республикамизда кредит тарихи институтининг халқаро стандартларга мувофиқ ривожланишига шароит яратади ҳамда молия-кредит ташкилотларига кредит таваккалчиликларини сифатли ва тез таҳлил қилишга, интизомли қарздорларга эса ўз кредит тарихларидан таъминот сифатида фойдаланишларига имконият яратади, десак, мутлақо янглишмаймиз.

**Қ. ТОШМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

## Қисқа сатрларда

*Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

● Денов туманидаги "САВБ" масъулияти чекланган жамияти жамоаси 20,6 гектар майдонда лойиҳа қиймати 950 миллион сўмлик бўлган боғ яратди. Ҳозир бу ерда серҳосил олма кўчатлари парвариш қилинмоқда.

**● Банкротлик ёқасига келиб қолган "Бувайда" акциядорлик жамияти негизида "Логс-Гигантес текстиль" қўшма корхонаси ташкил этилди. Таъсисчилар томонидан корхонани таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш учун 2,5 миллион АҚШ долларилик сармоя киритилди.**

● Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилояти мусиқали драма ва комедия театрида Фарида Бобожонова қаламига мансуб "Оқ халатли фариштала" деб номланган асар саҳналаштирилди. 12 май — Халқаро ҳамширалар куни олдидан саҳна юзини кўрган мазкур асар режиссёр Алижон Асқаров томонидан томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

**● "Янгиер фоод салт" масъулияти чекланган жамиятида йодланган ош тузи қадоқлаш йўлга қўйилди. Ҳозир бу ерда ойига ўртача 30 тоннагача туз бежирим халтачаларда қадоқланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.**

● Тўрткўл туманида 7 та замонавий қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган мазкур тиббий муассасалар "Саломатлик — 2" лойиҳаси доирасида замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

***«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

***Фарғона вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари қизғин давом этмоқда. Вилоятда жами 1020 та фуқаролар йиғини бўлиб, шу кунгача уларнинг 220 тасида сайловлар ўтказилди ҳамда номзодлар орасидан энг муносиблари фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига сайланди.***

# САЙЛОВЛАР ДЕМОКРАТИК ТАЛАБЛАР АСОСИДА ЎТМОҚДА

Қувасой шаҳри, Фарғона, Бувайда, Боғдод, Риштон, Олтиариқ, Ўзбекистон туманлари маҳаллалари сайлов жараёнларини бошлаб берган бўлса, бугунги кунда ушбу сиёсий тадбир вилоятнинг қолган туман ва шаҳарларида ҳам давом этмоқда. Муҳими, сайловлар демократик талаблар ва қонунийлик асосида, очиқ ва ошкора ўтказилмоқда.

— Вилоятимизда мазкур ижтимоий-сиёсий тадбирга пухта ҳозирлик кўрилгани боис сайлов жараёнлари қонунийлик асосида ўтмоқда, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи раҳбари Дилоромхон Меҳмонова. — Масалан, Қувасой шаҳрини олиб қарайлик. Ҳозирга қадар шаҳар ҳудуди ва унга туташ 30 та маҳаллада сайлов кўтаринки руҳда ўтказилди. Жумладан, Зебунисо маҳалласида ташкил этилган ишчи гуруҳига 10 га яқин номзоддан аризалар келиб тушган эди. Улардан 3 нафари танлаб олинди. Шу билан бирга, ушбу маҳаллада 1560 нафар сайловчи рўйхатга олиниб, ҳар 50 нафаридан бири вакил қилиб кўрсатилди. Ишнинг пухта ташкил этилиши сайловни демократик тамойиллар асосида ўтказиш имконини бермоқда.

Шу ўринда сайловларда номзодларнинг сайловолди дастурларига катта эътибор қаратилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Зеро, демократия институти мақомини олган фуқаролар йиғинларига обрў-эътиборли, ишбилармон ва маҳалла учун елиб-югурадиган кишилар сайланиши юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу пайтгача бўлиб ўтган сайловларда қатнашган номзодларнинг дастурларида маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳудудда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Айни чоғда ҳудуднинг замонавий меъморий қиёфасини яратиш, иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, "Оила — мактаб — маҳалла" концепциясини тўла жорий этиш, ёшлар ўртасида гиёҳвандликка қарши кураш сингари бугунги куннинг энг долзарб масалалари ҳам номзодлар дастурларидан ўрин олган.

Сайловчилар номзодларнинг дастурлари билан тўла танишиб, ўзлари учун энг фойдали бўлган дастур эгасини қўллаб овоз бермоқда. Вилоятдаги бошқа фуқаролар йиғинларида ҳам ушбу сиёсий тадбир ана шундай ташкил этилиши учун пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бунда, албатта, бири-биридан қолишмайдиган яна кўплаб дастурлар илгари сурилади, пировардида маҳаллаларга юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини теран ҳис этадиган, муҳими, ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок эта оладиган кишилар раис ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига сайланади. Зеро, ушбу сайловлардан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шундан иборатдир.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭРКИН ФАОЛИЯТ УЧУН МАЙДОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

йилнинг ўзида берилган солиқ имтиёзлари туфайли бир миллион 600 минг сўм тежаб қолинибди. Ушбу маблағларни эса жамоамиз меҳнат шароитини яхшилашга сарфладик.

**Акром ЭРГАШЕВ, Косон туманидаги "Бону косметкс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Президентимиз Фармонига мувофиқ, янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти уч йилгача режали солиқ текширишларидан ўтказилмаслиги энди иш бошлаган мулкдорларга жуда катта имтиёздир. Бу бизнесни йўлга қўйиш ва бемалол оёққа туриб олиш учун етарли муддат, албатта. Умуман, бемаврид текширишлар тадбиркорга нафақат халал беради, балки унинг кўнглини ҳам ишдан совитади. Айниқса, банк операцияларининг кечикиши тадбиркорнинг барча режаларини орқага суриб юбориши мумкин.

Эндигина иш бошлаган тадбиркорларни асраб-авайлаш, қўллаб-қувватлаш зарур. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бу Фармон тадбиркорларимизга яратиб берилаётган беқиёс имконият ва имтиёзлардан биридир.

Ҳозирги пайтда корхонамизда упа-элик, шампунь, бальзам сингари етти турдаги атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Жорий йилдан маҳсулотларимизни қадоқловчи идишларни ҳам ўзимизда тайёрлашни йўлга қўйдик. Шунинг ўзиёқ, юртимизда тадбиркорларга берилаётган имтиёзларнинг самарасидан далолатдир.

**Хайрулло ЗИЯБОЕВ, Наманган шаҳридаги "Машхим" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Спорт жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизда яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаолиятни барқарор йўлга қўйиб олганмиз. Хусусан, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этишимизда банкнинг молиявий кўмаги қўл келган бўлса, Маҳаллийлаштириш дастури ижросидаги иштирокимиз учун берилган имтиёзлар иқтисодий аҳволимиз юксалишида муҳим омил бўлаяпти. Буни, масалан, ҳозирги кунда 80 дан ортиқ импорт ўрнини босувчи спорт инвентарлари тайёрлаётганимизда, бултур умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув даргоҳлари ва бошқа буюртмачиларга 2,5 миллиард сўмликка яқин маҳсулот етказиб берганимизда ҳам кўришимиз мумкин.

Шароит, имконият ва рағбат бор жойда ривожланиш бўлиши, шубҳасиз. Шу маънода, айтиш мумкинки, Президентимиз Фармони биз, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим дастуриламал вазифасини ўтайди. Хусусан, унда тадбиркорлик субъектларини текшириш жараёнини қисқартириш баробарида, уларнинг фаолиятига беҳуда аралашиш билан боғлиқ ҳолатларда айбдор шахсларга нисбатан кўрилган жавобгарлик чораларидан кенг оммани бохабар қилиб бориш қатъий белгилаб қўйилгани айни кўнглимиздаги гап бўлди.

Тўғри, амалдаги қоидаларга риоя қилиб, бурч ва мажбуриятларини сидқидилдан адо этаётган тадбиркор текширишу назоратлардан чўчимайди. Бироқ айрим пайтларда бундай ноўрин тафтишларга ортиқча вақт сарфланиши бор гап. Ваҳолонки, ўша вақт бизнесни ривожлантирадиган лойиҳаларга сарфланса, бу кони фойдадир.

**Аъзам АШУРОВ, Шофиркон туманидаги "Асилбек нурли келажак" хусусий корхонаси раҳбари:**

— Президентимиз Фармони айни вақтида чиқарилган, биз, ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилувчи муҳим ҳужжатдир. Негаки, тадбиркор учун эмин-эркин ишлаш, изланиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш жуда муҳим. Унинг фаолиятини кунора текшириш эса тирноқ остидан кир қидиришдек гап. Бундан нафақат ишлаб чиқарувчи, балки жамият ҳам зиён кўради. Буни ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаяпман. Дейлик, ҳозир ўз бизнес лойиҳамизга кўра, истеъмол бозорига полиэтилен халтачалар етказиб бераяпмиз. 10 нафар кишини иш билан таъминлаганмиз. Молия-хўжалик фаолиятимизга аралашувлар камайгани туфайли ўтган йили маҳсулотимиз таннархини 25 фоизгача арзонлаштирдик.

Дарвоқе, мен атайин қизиқиб кўрдим: вилоятимизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувларга йўл қўймаслик борасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида текширишлар сони кескин камайган. Масалан, 2005 йилда 1737 та корхона фаолияти текширилган бўлса, ўтган йилда мазкур кўрсаткич 689 тани ташкил этибди.

Юртимизда тадбиркорлар учун шундай енгилликлар мавжудлиги ва қулайликлар кўлами кенгайиб бораётгани, ўз навбатида, биздан ҳам шунга муносиб ишлашни талаб қилади.

**«Халқ сўзи» мухбири Дилшод УЛУҒМУРОДОВ ёзиб олди.**

# ЮКСАК САЛОҲИЯТ, ЮҚОРИ СИФАТ

**Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда.**




(Давоми. Боши 1-бетда).

Эътиборлиси, айни пайтда "Baht textile" маҳсулотлари хорижда ҳам тобора харидоргир бўлиб бораётир. Жамоа 2000 йилда жами 4 миллион 332,4 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни четга сотган бўлса, 2010 йилда бу борадаги кўрсаткич 11 миллион 112 минг АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг дастлабки икки ойида бу ерда тайёрланган 840,2 минг АҚШ доллари миқдоридаги сифатли ва рақобатбардош калава ип экспортга чиқарилди.

— Жамиятимизда 515 киши иш билан банд, — дейди қўшма корхона директори Қобилжон Турсунов. — Уларнинг аксарияти замонавий билим ва юқори малакага эга ёш мутахассислардан иборат. Барчаси илғор технологияларни бошқариш кўникмасига эга. Бу ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш имконини бераяпти.

Корхона жамоаси жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 2 миллиард 500 миллион сўмликка, экспорт миқдорини эса 13 миллион 400 минг АҚШ долларига етказишни режалаштирган. Бунинг учун қўшимча қувватларни ишга тушириш, тижорат банкларининг молиявий кўмаги асосида хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатиш чора-тадбирлари амалга оширилаяпти. Табиийки, ана шу лойиҳалар рўёби истиқболда яна кўплаб янги иш ўринлари яратилишига асос бўлади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Компьютер дастурчилари форуми

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбир доирасида дастурий таъминот соҳасидаги энг самарали лойиҳалар ва маҳсулотлар намойиш этилади, Ўзбекистон софтвер саноати самарадорлигини оширишга доир долзарб вазифалар муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмасининг ижрочи директори Илҳом Абдуллаевнинг таъкидлашича, мазкур форум ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Қолаверса, ушбу тадбир Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ўтаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Чунончи, софтвер саноати бўғинларидан бири тадбиркорлик субъектлари бўлиб, уларнинг дастурий маҳсулотлари нафақат хусусий шахсларга, балки кенг фойдаланувчилар оммаси учун ҳам мўлжалланган.

Компьютер дастурчиларининг мазкур Миллий форумида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш соҳасидаги таниқли мутахассис ва экспертлар, қатор етакчи хорижий компаниялар, шунингдек, парламент, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистонда электрон ҳукуматдан фойдаланиш усулининг тақдимоти, "ягона дарча" технологияси бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг янги даражаси, ахборот сайт-агрегаторлари негизида интерфаол сервисларни ривожлантириш истиқболлари, илғор ахборот технологиялари — бошқарув ва фазовий маълумотларни таҳлил қилиш технологияларига оид маърузалар қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди.

Анжуманда соҳада эришилган илғор ютуқлар муҳокама қилиниб, маҳорат сабоқлари, тақдимотлар ва ўқув-семинарлари ташкил этилди. Секциялар мажлисларида Ўзбекистон софтвер саноатини ривожлантириш йўналишлари ва истиқболлари, дастурий таъминот соҳасида маҳсулот ва ечимлар ишлаб чиқиш, шунингдек, ахборот технологиялари таълими ва соҳани кадрлар билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАБИИЙ ОФАТНИНГ НОТАБИИЙ ЎЧОҒИ

## ёхуд Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида юзага келаётган хавф-хатарлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аслида, мазкур иншоотни барпо этиш ҳаракатлари 1966 йилнинг ўрталаридан бошланган. Ўша вақтда олинган хулосаларда ҳам ушбу ҳудуд геологияси ўта мураккаблиги, айнан тўғон қурилиши режалаштирилган жойда йирик туз қатлами мавжудлиги ва сув сизиб ўтиш хавфи юқорилиги қайд этилган. Бундан ташқари, тўғон пойдевори қўйиладиган замин тектоник ёриқларга яқин бўлиб, зилзилалар ўчоғи эканлиги, уларнинг таъсири 9 баллдан ҳам юқори бўлиши айтиб ўтилган. Тожикистон ҳукумати буни эсдан чиқарган кўринади.

Қолаверса, кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар охирги 20 йил ичида кучли ер қимирлашлари рўй бериш частотаси кескин ўзгарганини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, йирик тўғонлар қурилиши туфайли Ер юзида бирмунча сейсмик фаоллик ошган, деган гипотезалар ҳам бор. Демак, юқори сейсмик ҳудудда жойлашган Тожикистон, айниқса, тектоник ёриқда қад ростлаётган Роғун ГЭСи ҳудудида 10-11 балли ер силкинишлари рўй бериши эҳтимоли янада ортган.

Таъкидлаш керакки, Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси ишлаб чиқилган ўтган асрнинг 70-йилларида ҳали грунтли тўғонларнинг сейсмик турғунлиги ва ишончлилигини ҳисоблаш усуллари ривожланмаган эди. Шу боис ер қимирлашлари натижасида тўғонларда бўладиган реалогик жараёнлар, жумладан, сейсмик тўлқинлар, гидростатик ва гидродинамик таъсирлар, ночизиқли деформацияланиш ҳолатлари ва фильтрация масалалари, инструментал ўлчаш натижалари тўлалигича ҳисобга олинмаган ва зилзилалар оқибатлари етарли даражада классификация қилинмаган. Буларнинг барчаси ушбу лойиҳа камчиликлардан холи эмаслиги ва мустақил экспертизага муҳтожлигидан далолат беради. Буни яхши англаган тожикистонлик бир гуруҳ зиёлилар, мутахассислар, шунингдек, кўплаб жамоат ташкилотлари ўша пайтлардаёқ қурилишни тўхтатиш, унинг баландлигини лойиҳада белгиланганидан 100 метрдан ҳам кўпроққа камайтириш таклифи билан чиқишган эди.

Фан ва техника тараққий этган бугунги кунда ҳам дунё олимлари ер қимирлашининг жойини, кучини ва вақтини аниқ айтиш имконияти йўқлигини эътироф этишмоқда. Унинг оқибатларини камайтиришнинг энг тўғри йўли ҳудудлардаги сейсмик хавфни тўғри баҳолаб, иншоотларни, айниқса, гидроиншоотларни хавфсиз жойларда қуришдир. Шу нуқтаи назардан айтганда, Роғун ГЭСи бунёдкорлари, энг аввало, минтақа давлатлари ва халқлари олдида унинг хавфсизлигини исботлаб, мажбуриятни зиммаларига олиш масъулиятини чуқур ҳис этишлари керак. Зотан, бундай йирик объект қурилиши халқаро экспертизадан ўтиши, фан, техника ва технологияларнинг охирги ютуқларига асосланиши, дунёда рўй бераётган ҳалокатли ер қимирлашларининг оқибатлари ҳисобга олинишини тақозо этади. Акс ҳолда, Роғун ГЭСи табиий офатларнинг нотабиий ўчоғига айланиб қолиши, шубҳасиз.

**Ҳамидулла САГДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти директори ўринбосари,**
**техника фанлари номзоди.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 11 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1827,79 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2782,07 |
| 1 Дания кронаси | 327,65 |
| 1 БАА дирҳами | 462,08 |
| 1 АҚШ доллари | 1697,11 |
| 1 Миср фунти | 285,61 |
| 1 Исландия кронаси | 14,97 |
| 1 Канада доллари | 1766,72 |
| 1 Хитой юани | 261,31 |
| 1 Россия рубли | 61,35 |
| 1 Украина гривнаси | 212,98 |
| 1 Малайзия ринггити | 568,83 |
| 1 Польша злотийси | 618,50 |
| 1 СДР | 2728,99 |
| 1 Туркия лираси | 1102,38 |
| 1 Швейцария франки | 1939,11 |
| 1 евро | 2504,25 |
| 10 Жанубий Корея вони | 15,71 |
| 10 Япония иенаси | 210,72 |

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## Хазина

# Балиқчилик — сердаромад соҳа

***Мингбулоқ туманидаги балиқчиликка ихтисослаштирилган "Парпиев Муҳаммаджон" хусусий корхонаси ўз фаолиятини кенгайтириб, ҳавзалари майдонини 121 гектарга етказди.***

Шунинг ҳисобига ўтган қисқа муддатда аҳоли дастурхонига 90 тонна балиқ маҳсулотлари етказиб берилди.

Эътироф этиш керакки, Мингбулоқда айни пайтда фаолият кўрсатаётган 13 та балиқчилик хўжалиги жорий йилда ички бозорни 210 тоннадан зиёд маҳсулот билан таъминлади.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Тармоқда узилиш

***Куни кеча Венесуэладаги мавжуд 23 та штатдан 11 тасида электр энергияси узатиш вақтинча тўхтаб қолди.***



Бунга таъминот тизимида юз берган фалокат сабаб бўлган. "Associated Press" ахборот агентлигининг хабар беришича, кўрилган тезкор чора-тадбирлар туфайли айрим штатларда муаммо зудлик билан бартараф этилган. Аммо кўплаб йирик шаҳарлардаги йўл ёритқичлари анча вақт ўчиб турган. Бунинг оқибатида юзага келган тирбандликлар кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқарган. Шунингдек, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари фаолияти ҳам тўхтаб қолган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Венесуэлада жорий йил бошидан буён бундай нохуш ҳолатлар тез-тез кузатилмоқда. Сабаби, мамлакатда юз берган қурғоқчилик асосий энергия етказиб берувчи "Гури" ГЭСи иш қувватининг 70 фоизга пасайишига олиб келган.

## Қарздорлик ошмоқда

***2010 йил якунларига кўра, Евроҳудудга кирувчи мамлакатларда давлат қарздорлиги энг юқори кўрсаткичга етган.***

Бу борада кузатишлар олиб борган "Евростат" агентлиги маълумотларида қайд этилишича, Европа Иттифоқи мамлакатларининг давлат қарзи ўтган йилда 2009 йилдагига нисбатан 5,5 фоизга ошган ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 85 фоизни ташкил қилган. Ташкилотга аъзо мамлакатлар орасида бюджет дефицити бўйича энг ёмон кўрсаткичлар Ирландия, Греция, Буюк Британия, Испания ва Португалия давлатларида қайд этилди.

Давлат бюджетини профицит билан бажарган ягона мамлакат сифатида эса 2011 йил 1 январдан Европа Иттифоқига қўшилган Эстония мамлакати эътироф этилди.

## Тошқиндан зарар кўрди

***Миссисипи дарёсининг ўзанидан тошиши АҚШнинг Теннесси штатида кучли сув тошқинларини келтириб чиқарди.***



Дарёнинг энига 4,8 километргача чўзилиб кетгани туфайли Мемфис шаҳри ва унинг атрофидаги аҳоли яшаш жойларига жиддий зарар етган. Хусусан, бу ерларда истиқомат қилувчи бир неча минглаб оила уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Бундан ташқари, мазкур кўнгилсизликдан мамлакатнинг саккиз штати ҳам зиён кўрган.

Синоптиклар Миссисипи дарёсида сўнгги 80 йил ичида бундай тошқин кузатилмаганини билдиришмоқда.

## Энг қиммат савдо белгиси

***АҚШнинг юқори замонавий техника воситалари ишлаб чиқарувчи "Apple" компанияси дунёдаги энг қиммат бренд (савдо белгиси) деб топилди.***



"Millward Brown" агентлиги экспертлари томонидан тузилган рейтингда мазкур бренднинг қиммати 153 миллиард АҚШ доллари дея баҳоланган. Шу тариқа ушбу савдо белгиси энг қиммат брендлар рейтингида сўнгги тўрт йилдан бери етакчилик қилаётган глобал интернет тармоғи — "Google"нинг ҳукмронлигига якун ясади.

Манбада келтирилишича, "Apple"нинг қиймати ўтган йилги рейтингга қараганда 84 фоизга қимматлашган. "Google"да эса 2 фоиз пасайиш қайд этилган.

Рейтингда кучли учликни "International Business Machines Corp." компьютер корпорациясининг "IBM" маркаси якунлаган.

## Харажатларни қисқартириш мақсадида

***Япониянинг маиший техника ва электроника жиҳозлари ишлаб чиқарувчи "Panasonic" компанияси 35 минг нафар ходимини ишдан бўшатишга қарор қилди.***




Бу компанияда фаолият юритаётган барча ходимларнинг 10 фоизини ташкил этади. Изоҳланишича, "Panasonic" шу йўл орқали харажатларни камайтириш ва Осиё минтақасида кучли рақобат муҳитини яратишни мўлжалламоқда. Режага кўра, иш ўринларини қисқартириш келаси молиявий йил охирида бошланиб, 2013 йилнинг март ойига қадар якунланади. Бундан ташқари, корхона ўз фаолиятини қайта ташкил этиш мақсадида 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ҳам ажратган.

Айтиб ўтиш жоизки, "Panasonic" жорий йилнинг биринчи чорагини 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги зарар билан якунлаган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***




***Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши тобора ортиб бораётгани мазкур соҳага давлатимиз томонидан қаратилаётган юксак эътибор ва яратилаётган имтиёзлар самарасидир. Тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришда, шунингдек, молия муассасалари ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Жумладан, "Асака" давлат акциядорлик тижорат банкининг Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур филиали жамоаси ҳам кичик бизнес вакилларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда ишлаб чиқариш мақсадлари учун маблағлар ажратишга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада муайян ютуқларга эришаётир.***

# «Асака» банки: ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан мазкур соҳага жами 17,9 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилгани ва пировардида 564 та иш ўрни яратилгани бунинг тасдиғидир. Қолаверса, айни пайтда филиалнинг малакали мутахассислари томонидан кичик бизнес вакилларига тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этишлари учун амалий кўмак ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериш йўлга қўйилган. Ҳозир банк мижози бўлган ҳар бир тадбиркор молия муассасаси хизматига доир саволлар билан "Асака" банкининг бош офиси ҳамда филиалларида ўрнатилган "Ишонч телефонлари" орқали банкнинг тегишли мутасадди раҳбарларига мурожаат этишлари мумкин.

Айтиш жоизки, яқинда филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қулайликлар яратиш ҳамда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида "Тадбиркорлар хонаси" ташкил этилди. Бу ерда банкнинг юқори малакали мутахассислари кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга уларни қизиқтирган барча масалалар юзасидан тўлақонли тушунчалар бериш баробарида, соҳа вакилларининг муаммоларини қисқа муддатларда ҳал этишга амалий кўмак ҳам кўрсатмоқдалар. Эътиборлиси, "Тадбиркорлар хонаси" соҳа вакиллари учун зарур бўлган техник ва кўргазмали воситалар, меъёрий ҳужжатлар билан жиҳозланган. Шу билан бирга, филиалнинг барча минибанкларида "Тадбиркорлар бурчаги" ташкил этилган бўлиб, у мунтазам равишда тадбиркорлик фаолиятига оид янги меъёрий ҳужжатлар билан бойитиб борилаяпти.

Албатта, банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга қаратилган бу каби саъй-ҳаракатлар самараси филиал, унинг 3 та минибанки, битта махсус, 57 та жамғарма ҳамда коммунал тўлов кассаси фаолиятидаги ижобий кўрсаткичларда ҳам яққол намоён бўлаётир. Хусусан, филиал активлари миқдори жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, 110,1 млрд. сўмни ташкил этди. Натижада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 29,2 миллиард сўмга ёки 36,1 фоиз ўсишга эришилди. Кредит қўйилмалари ҳажми эса 81,6 млрд. сўм ёки кредит портфелининг 91,3 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга, банк томонидан Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 800 млн. сўм, 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бўйича 14,1 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бу сармоялар ишлаб чиқаришнинг тараққий этишига, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришга ва янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, Президентимиз томонидан 2004 йил 25 майда имзоланган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг ишбилармонлик қобилиятларини юзага чиқариш учун кенг имкониятлар яратиб берди.

## Молия муассасаларида

Мазкур Фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, филиал томонидан 2,5 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Кейинги йилларда филиалда миллий ва хорижий валютада омонатга қўйилган маблағлар миқдори ҳам, омонатчилар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Бунда пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш орқали нақд пул тушумини кескин кўпайтириш бўйича қабул қилинган дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида "Асака" банки Шайхонтоҳур филиали томонидан ҳозирги кунда 90 та миллий ва хорижий валютадаги омонат тури аҳолига тақдим этилмоқда.

Бу соҳадаги ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш мақсадида биргина жорий йилнинг ўтган даврида миллий ва хорижий валютада 6 та янги омонат тури жорий этилди. Ҳозир "Туҳфа", "Барқарор — 1", «Баҳорги — 1», «Сармоя», "Тадбиркор", "Даромадли — 1", "Самарали", "Ёшларга", "Талабалар учун", "Файзли — 1", "Эҳтиром" сингари сақлаш муддати турлича ва фоиз даромадлари юқори бўлган омонатлар қулай шартларга эгалиги билан кўплаб мижозларда қизиқиш уйғотмоқда. Натижада миллий ва хорижий валютадаги аҳоли омонатлари қолдиғи ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,3 миллиард сўмга ўсиб, жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, 13,2 миллиард сўмни ташкил этди. Жамғармалар қолдиғи ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 33,7 фоизга ошди. Албатта, бундай ижобий кўрсаткичлар молиявий хизматлар бозорида мазкур банк томонидан тўғри маркетинг сиёсати олиб борилаётганидан далолат беради.

Мамлакатимизда тўлов тизимини такомиллаштириш жараёнида банк пластик карточкаларининг аҳамияти катта. Шу боис ҳозирги кунда Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилаётир. Мазкур қарор асосида "Асака" банки Шайхонтоҳур филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 28788 та сўм пластик карточкаси муомалага чиқарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11902 тага ёки 216,5 фоизга кўпдир. Ҳозир молия муассасаси томонидан жорий этилган 345 дан ортиқ "Иш ҳақи" лойиҳалари асосида 16,5 мингдан зиёд ишчи ҳамда хизматчиларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда. Шунингдек, йил бошидан буён пойтахт ҳудудида 276 та савдо ва 16 та касса терминали ўрнатилди. Ушбу савдо терминалларининг яна бир қулайлиги шундаки, бу орқали банк мижози фаолият жойидан узоқлашмаган ҳолда телефон тармоғи воситасида инкассация, яъни савдо қилинган маблағларни банкдаги ҳисобварағига тўғридан-тўғри туширишлари мумкин. Мазкур қулайлик мижозларга вақтни тежаш имконини беради.

Бундан ташқари, республикамиз ҳудудида тез-тез хизмат сафарларида бўладиган тадбиркорлар, фирма ва корхоналар раҳбарларига қулайликлар яратиш мақсадида банкимиз томонидан корпоратив пластик карточкалар жорий этилган бўлиб, айни пайтда ушбу хизматдан 77 нафар банк мижози фойдаланмоқда. Шу билан бир қаторда, филиал томонидан инфокиоск ва банкомат ўрнатилгани ҳам банк мижозларига қўшимча қулайликлар яратаяпти. Жумладан, ҳозирги кунда аҳоли инфокиоскда ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини пластик карточкаларга юклаб, "электрон ҳамён"лари орқали коммунал, уяли алоқа ва бошқа хизматлар учун тўловларни банк ходими иштирокисиз ва ортиқча оворагарчиликсиз амалга оширмоқда.

Бундай ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад, энг аввало, аҳолига сифатли молиявий хизматлар кўрсатишдан иборатдир. Зеро, республикамиздаги банклар фаолиятининг ривожланиши мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашда мустаҳкам пойдевор бўлади. Ана шундан келиб чиқиб, "Асака" банки Шайхонтоҳур филиали жамоаси мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, қисқача айтганда, ўз фаолиятини янада такомиллаштириш орқали тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори, молиявий мададкорига айланишни мақсад қилишган.

**Банк ахборот хизмати.** t

## Жараён

***Поп туманидаги М. Тошматов номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 3200 метр сув тармоғи тортилди.***

## Сув таъминоти яхшиланди

Янги лойиҳа амалга ошиши билан қишлоқнинг Пиллакаш маҳалласидаги 436 хонадон, 17 ва 34-мактабгача таълим муассасалари ҳамда 54-мактаб жамоаси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. Қиймати 15 миллион 89 минг сўм бўлган мазкур лойиҳани "Шуҳрат қурилиш савдо сервис" хусусий корхонаси бунёдкорлари амалга оширдилар.

— Истиқлолнинг 20 йиллиги нишонланадиган ушбу йилда тумандаги 17 мингдан зиёд киши яшайдиган бу йирик қишлоқда аҳолига қулайлик яратиш борасида яна бир ҳамкорлик лойиҳасини амалга оширишни режалаштирганмиз, — дейди БМТ Тараққиёт дастури Фарғона водийсида аҳоли турмуш даражасини ошириш лойиҳасининг Наманган вилоятидаги ассистенти Максуда Муҳсинбоева. — Қишлоқда газ таъминотини яхшилаш мақсадида юқори босимли газ узатиш шохобчаси қуриб бермоқчимиз. Бу лойиҳа амалга ошиши билан қишлоқдаги Гузар, Ойбек номли ҳамда Пиллакаш маҳаллаларида газ таъминоти тубдан яхшиланади.

**Али ЗИЁДОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 30 АПРЕЛДАН 6 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2011 йил 11 апрелдаги 2011-06-сонли буйруғи.*

**2011 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2221 (2011 йил 10 майдан кучга киради).**

2. «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 30 мартдаги 27, 26, 2, 84, 126, 01-02/5-31-сонли қарори.*

**2011 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2222 (2011 йил 10 майдан кучга киради).**

3. «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисидаги тартибни ҳамда унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2011 йил 30 мартдаги 4-П, 1, 25, 125-сонли қарори.*

**2011 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 198-2 (2011 йил 10 майдан кучга киради).**

4. «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2011 йил 16 мартдаги 3-сонли қарори.*

**2011 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2223 (2011 йил 12 майдан кучга киради).**

5. «Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 29 апрелдаги 22-Б-сонли буйруғи.*

**2011 йил 3 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1848-1 (2011 йил 13 майдан кучга киради).**

6. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 9 апрелдаги 10/1-сонли қарори.*

**2011 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1122-8 (2011 йил 15 майдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ишлаб турган нафақахўрларга нафақа бериш тартиби, 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 198, 1995 йил 20 декабрь), (рўйхат рақами 198-1, 2005 йил 20 июль).*

2. Ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлаш тартибига қўшимча. *Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 214, 1996 йил 4 январь).*

***Адлия вазирининг 2011 йил 30 апрелдаги 93-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

3. Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмитага хўжалик юритувчи субъектларнинг молия хўжалик фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш ва маъмурий жаримани қўллаш тартиби, 1-сон ўзгартиришлар ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 894, 2000 йил 9 февраль).*

***Адлия вазирининг 2011 йил 2 майдаги 94-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:***

1. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида аэронавигация хизматлари маълумоти» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-174)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.***

**Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.**

**Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

## Интилиш

***Нуробод туманининг олис Тутли қишлоғидаги "Standart servis Nurobod" хусусий корхонасида қурилиш хом ашёси — гипс маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.***

## Олис қишлоқда янги корхона

Бунинг учун тадбиркор Тожималик Ҳайитов ўз ҳисобидан 50 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлади. Натижада бу ерда 10 та иш ўрни яратилди.

Айни пайтда жамоа томонидан ойига 100 тоннадан ортиқ сифатли маҳсулот тайёрланиб, мамлакатимиздаги қурилиш корхоналарига етказиб берилаётир.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**










Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Ботаника" ИИЧМ жамоаси Микология лабораториясининг мудири, биология фанлари номзоди Малика Иминовага акаси
**Мирзаодил ПОЗИЛОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ жамоаси Тошкент вилояти минтақавий филиали бошлиғи ўринбосари Бекпўлат Худойқуловга падари бузруквори
**Худойқул ҚУШАНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти жамоаси бош бухгалтер Абдуваҳоб Ризаҳуловга волидаи муҳтарамаси
**Олтин РИЗАҚУЛОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Микробиология ва гигиена кафедраси собиқ мудири, меҳнат фахрийси, тиббиёт фанлари доктори, профессор
**Инобат РАҲИМОВАнинг**
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

